

“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
2-сон БАЁННОМАСИДАН
КЎЧИРМА

Умумий йиғилиш ўтказилган жойи:	<i>Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 22 уй</i>
Умумий йиғилиш ўтказилган вақти ва санаси:	<i>15.00, 2026 йил 5 март</i>
Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорларлар эга бўлган овозларнинг умумий сони:	<i>7 311 066 832 дона</i>
Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони:	<i>7 311 066 832 дона</i>

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш яқунлари бўйича жами **7 311 066 832** овозни ёки **100** фоизни ташкил этган акциядорлар рўйхатдан ўтказилди.

КУН ТАРТИБИ

2. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

Кун тартибидаги 2-масала бўйича Йиғилиш раиси У. Мамадаминов сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши белгиланган.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Уставининг 47-бандида Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг муддатларини узайтириш Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш ваколлати доирасига кириши кўрсатилган.

“Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция жамғармаси” АЖнинг 2026 йил 11 февралдаги Жамият Кузатув кенгашининг таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 012/2026-сонли хати Жамият Кузатув кенгашининг 2026 йил 11 февралдаги 3-сон йиғилишида кўриб чиқилган ҳамда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция жамғармаси” АЖнинг 2026 йил 11 февралдаги 012/2026-сонли хати (талабномаси)да Жамият Кузатув кенгаши таркибига қўйидаги ўзгартиришларни киритиш сўралган:

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Кузатув кенгашининг қўйидаги аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиши:

1. Мустафоев Қувончбек Мухтор ўғли - Иқтисодийёт ва молия вазирлигининг Саноат сиёсатини амалга ошириш департаменти директори ўринбосари;

2. **Ходжаев Шерзод Хикматуллаевич** - Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги директори;

3. **Шукуров Бехруз Комилжон ўғли** - Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув бошқармаси Бош мутахассиси.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Кузатув кенгашининг таркибига қуйидаги янги аъзоларни сайлаш:

1. **Миралиев Алишер Эркинович** - Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари;

2. **Какурин Никита Иванович** - “Franklin Templeton Asset Management” компаниясининг катта инвестицион менежери (Мустақил аъзо);

3. **Мартин Бернштейн** - “Amber Hill Capital” (АҚШ) компаниясининг бошқарувчи хамкори (Мустақил аъзо).

Кун тартибидаги 2-масала юзасидан қуйидагича овоз бериш таклиф қилинди:

2.1. “Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция жамғармаси” АЖнинг 2026 йил 11 февралдаги 012/2026-сонли хати ҳамда Жамият Кузатув кенгашининг 2026 йил 11 февралдаги 3-сон йиғилиш баёнини маълумот учун қабул қилиш.

Овоз бериш натижалари:

“Ёқлаб” - 7 311 066 832 овоз ёки умумий йиғилишда қатнашган акциядорлар ва уларнинг вакилларининг 100% овозлари.

“Қарши” - йўқ,

“Бетараф” - йўқ.

2.2. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Кузатув кенгаши аъзолари **Мустафоев Қувончбек Мухтор ўғли, Шукуров Бехруз Комилжон ўғли, Ходжаев Шерзод Хикматуллаевичларининг** ваколатларини муддатидан олдин тугатиш.

Овоз бериш натижалари:

“Ёқлаб” - 7 311 066 832 овоз ёки умумий йиғилишда қатнашган акциядорлар ва уларнинг вакилларининг 100% овозлари.

“Қарши” - йўқ,

“Бетараф” - йўқ.

2.3. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Кузатув кенгаши таркибига **Миралиев Алишер Эркинович, Какурин Никита Иванович ва Мартин Бернштейнларни** 3 йил муддатга сайлаш (кумулятив овоз бериш орқали сайланади).

Овоз бериш натижалари:

1. **Миралиев Алишер Эркинович** – жами 7 311 066 832 овоз (шундан, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 4 386 640 099 овоз ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция жамғармаси” АЖ томонидан 2 924 426 733 овоз берилган);

2. **Какурин Никита Иванович** (Мустақил аъзо) жами 7 311 066 832 овоз (шундан, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 4 386 640 099 овоз ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция жамғармаси” АЖ томонидан 2 924 426 733 овоз берилган);

3. Мартин Бернштейн (Мустақил аъзо) жами 7 311 066 832 овоз (шундан, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 4 386 640 099 овоз ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция жамғармаси” АЖ томонидан 2 924 426 733 овоз берилган).

Кун тартибидаги 2-масала юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

2.1. “Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция жамғармаси” АЖнинг 2026 йил 11 февралдаги 012/2026-сонли хати ҳамда Жамият Кузатув кенгашининг 2026 йил 11 февралдаги 3-сон йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2.2. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Кузатув кенгаши аъзолари **Мустафоев Қувончбек Мухтор ўғли, Шукуров Бехруз Комилжон ўғли, Ходжаев Шерзод Хикматуллаевичларнинг** ваколатлари муддатидан олдин тугатилсин.

2.3. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Кузатув кенгаши таркибига **Миралиев Алишер Эркинович, Какурин Никита Иванович ва Мартин Бернштейнлар** 3 йил муддатга сайлансин.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганлиги муносабати билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпиқ деб эълон қилинди.

**Акциядорларнинг
навбатдан ташқари умумий
йиғилиши котиби**


Ж. Ахмедов